

# 3-МАВЗУ: ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ, МУЛОҚАТ МАДАНИЯТИ ВА ПСИХОЛОГИЯСИ

- ✘ 1. Педагогик мулоқат қобилиятлари. Коммуникатив қобилиятлар
- ✘ 2. Ўқитувчи педагогик фаолиятининг конструктив, ташкилий, гностик ва коммуникатив каби таркибий қисмлари.
- ✘ 3. Ўқитувчисининг педагогик мулоқат маданияти ва психологияси.

# МУЛОҚАТНИНГ МОҲИЯТИ

- ✘ шахснинг энг етакчи ва нуфузли фаолиятларидан бири мулоқот
- ✘ Мулоқотнинг яна бир муҳим вазифаси — у одамни у ёки бу фаолиятга ҳозирлайди, руҳлантиради
- ✘ мулоқот одамларнинг жамиятда ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятларининг ички психологик механизмини ташкил этади

# ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТ

- ✘ ўқитувчи профессионал активлигининг бир кўриниши бўлиб, бунда таълим ва тарбия вазифаларини ўқитувчи ҳамда ўқув – тарбия жараёнининг бошқа иштирокчилари ўртасидаги ўзаро таъсир воситаси билан ҳал қилинади.

# МУЛОҚОТ ВАЗИФАЛАРИ

- ✘ ўқувчига янги маълумот бериш ёки фикр алмашиш;
- ✘ ўқитувчи билан ўқувчиларнинг бир – бирларини ўзаро билишлари;
- ✘ бир – бирларининг ҳулқларини тузатиш ва бошқариш;
- ✘ мулоқот ҳар бир иштирокчиси шахсининг имкониятларини очиш ва ундан фойдаланиш, уларнинг ўз олдиларида турган муаммоларини ўзлари мустақил ҳал этишлари;
- ✘ ўқитувчи шахсий фикрининг педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги;
- ✘ мулоқот иштирокчиларининг бир – бирларидан қаноат ҳосил қилганликлари ва ҳақозо.

# ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТНИНГ БОШҚА ЖИҲАТИ – УНИНГ ВОСИТАЛАРИ ВА УСУЛАРИДИР:

- ✘ Воситалар ташкил этувчи, баҳо берувчи, интизомга ундовчи (инструкция, интизомини баҳолаш ва танбеҳ бериш) бўлиши мумкин.

# МУЛОҚОТ УСУЛИ

Шаклланган услуб амалда ўзининг учта шакли билан намоён бўлади:

- ✘ билимларни эгаллашда ўқитувчи билан ўқувчиларнинг биргаликда ҳамкорлик қилишлари (демократик услуб),
- ✘ ўқитувчининг ўқувчиларга тазйиқ ўтказиши ва уларнинг активлигини рўёбга чиқармаслиги (авторитар услуб),
- ✘ ўқитувчининг ўқувчиларга нисбатан нейтрал муносабатда бўлиши ва унинг ҳал этилаётган масаладан четга чиқиши (либерал услуб);

1. Мулоқотдаги вазият бир хил ўзаро ҳаракатни («ёнидан» мослашиш), бошқа иштирокчига тазйиқ ўтказишни («юқоридан» мослашиш), бошқа иштирокчига мувофиқлашишни («қуйидан» мослашиш) ўз ичига олади.
2. Мулоқотда эмоционал тус бериш характери нейтрал ҳол орқали ижобийдан салбийгача ўзгаради. Буларнинг ҳаммаси мулоқот муҳитини, синфда маълум иқлимни яратади.

3. Етук педагогик мулоқот ўқитувчининг - ўз-ўзини, мулоқот жараёни ва натижаларини назорат қилиб боришни назарда тутди.
4. Тўғри ташкил этилган педагогик мулоқот давомида ўқитувчида танланган воситаларни вазифа ва шароитларга мувофиқлигининг ўлчови сифатида тушуниладиган педагогик назокат мужассамланади.

# ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

---

- ✘ Бу, энг аввало, мулоқот махсус вазифаларининг йўқлигидир,
- ✘ ўқитувчи педагогик мулоқотни ўз меҳнатининг алоҳида томони сифатида қарамайди,
- ✘ уни режалаштирмайди,
- ✘ мулоқот усулларни такомиллаштириб бормайди,
- ✘ мулоқотнинг барча вазифаларини ўзаро тушунмасликлари,
- ✘ мулоқот воситаларининг қашшоқлиги, бир хилдаги ва жозибадор эмаслиги

# ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТГА ДОИР МАШҚЛАР

---

- ✘ 1. Мулоқотга бошқа кишининг субъектив қарашларини аниқлаш; бу одам билан мулоқотда оқилона ҳал қилиниши зарур бўлган вазифаларни аниқлаш, масалан, унинг ҳулқини тузатиш ёки унда шунчаки ишонч кайфиятини яратиш;

# ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТГА ДОИР МАШҚЛАР

---

- ✘ 2. Мазкур вазият учун ўзаро ҳарактерларнинг оптимал (энг мақбул) воситалари мажмуаси (услуб, тутилган йўл ва ҳоказо)ни белгилаш;
- ✘ 3. Мулоқотда бошқа кишининг жавоб ҳаракати имкониятини олдиндан кўра билиш. Бошқа одамда психологик тўсиқ ва қаршилиқ келтириб чиқарувчи воситаларни қўлга киритиш;

# ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТГА ДОИР МАШҚЛАР

- ✘ 4. Резервда вазиятнинг ўзгартиришига қараб фойдаланиш мумкин мулоқотларнинг бир нечта моделига эга бўлиш;
- ✘ 5. Ўзида бошқа одамларни тинглаш ,унинг фикрларига қўшилиш, унга ҳамдардлик кўникмасини ривожлантириб бориш. Мулоқот натижаларини баҳолаш ва уларни фойдаланилган воситалар билан таққослаш.

# ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТ ТЕХНИКАСИ

- ✘ нутқ маданиятига эга бўлиш,
- ✘ тўғри нафас олишни ишлаб чиқиш энг катта-энг асосий қийматдир.
- ✘ Оғзаки нутқ маҳоратини юксалтириш, нафақат ҳикоя ва тушунтириш, балки урғу берилган сўз ҳам педагогик таъсир усулларида яхшироқ фойдаланишга имкон яратади.

Педагог ўзининг овозини ва кўринишини бошқаришни билиши, ташқи қиёфани, мимикани ушлаб туришни билиши зарур.